

FOREIGN EXPERIENCE OF REDUCING THE TAX OBLIGATIONS

Ochilov Sokhib Togaimurodovich¹

1 Master of Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan
Uzbekistan, 100000, Tashkent, Mirza Ulugbek district, Movarounnahr street, 16
E-mail: ochilovsohib@mail.ru

Abstract: In clause the foreign experience of reduction of debts under the taxes and other obligatory payments is given. Also investigating positive aspects of advanced foreign experience and practice in reduction of tax debts, the offers on an opportunity of application them in tax administration of our country are developed.

Keywords: taxes, tax debt, voluntary payment, taxpayers, tax culture, legislation.

СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИКЛАРНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Очиллов Соҳиб Тоғаймуродович¹

1 Ўзбекистон Республикаси Банк-молия молия академияси магистранти
Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани,
Мовароуннахр кўчаси, 16
E-mail: ochilovsohib@mail.ru

Аннотация: Мақолада солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни камайтиришнинг хориж тажрибаси келтирилган. Шунингдек, солиқ қарзини қисқартишида илғор хориж тажрибаси ва амалиётининг ижобий жиҳатлари тадқиқ этилиб, уларни мамлакатимиз солиқ маъмурчилигида қўллаш имкониятлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқлар, солиқ қарзи, ихтиёрий тўлаш, солиқ тўловчилар, солиқ маданияти, қонун ҳужжатлари.

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислохотларда асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга қаратилгандир, лекин шу билан бирга солиқларнинг асосий фискал функцияси бажарилиши кўп жиҳатдан солиқларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида ундириш жараёни билан боғлиқ.

Солиқнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ундирилиши мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва мудофаа қудратини ошишини таъминлайди. Шунингдек, бюджетга ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилиши республика ва маҳаллий ҳокимият органлари зиммасидаги ички ва ташқи мажбуриятларнинг бажарилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли солиқ қарздорлигини бартараф этиш йўллари такомиллаштиришга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўлиқ ундирилиши хўжалик юритувчи субъектларга қулай шарт-шароит яратиш ҳамда улар манфаатини қонуний ҳимоялаш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида ҳам айнан солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш белгилаб берилди [1]. Ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустақкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланмоқда [2].

Шу билан бирга, ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишининг тўлиқлиги ва солиқ қарздорлигининг пасайиш даражаси Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгиланди. Бунда, назорат амалга оширилиши ва солиқ қарздорлиги ошишига йўл қўймаслиги, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш орқали солиқ тизими модернизация қилинишидек муҳим вазифалар алоҳида белгилаб берилди [3]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиқ маъмуриятчилигини, шу жумладан солиқларни тўлаш даврийлигини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини жорий қилиниши қайд этилди [4].

Солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тўламасликлари натижасида қарздорлик юзага келади. Солиқ ва бошқа қарздорлик миқдорининг ошиб кетиши давлат бюджетига ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига салбий таъсир этади. Демак, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни камайтириш ва ушбу қарздорликларни юзага келишини олдини олиш учун етарли даражада ва оқилона иш ташкил этилиши, бу борадаги механизмларни илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда такомиллаштириб бориш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

А.Смитнинг фикрига кўра, солиқларни тўлаш учун шахс ўша тўловни қаердан олишга эга бўлиши керак. Даромадларга эагина тўлаши ва барча даромадлар 3 манбадан пайдо бўлиши мумкин. Булар ер, капитал ва меҳнатдан, қолган барча даромад турлари иккиламчи ва охир оқибат юқорида номи келтирилган 3 турдан шаклланади [5].

В.Андреева томонидан солиқ тўловчилар томонидан солиқ интизомига риоя қилинмаслик сабаблар тадқиқ қилинган, солиққа оид билимларни оширишга оид усуллари таҳлил қилиниб, солиқ тўловчиларга давлат ҳамкори сифатида хизматни такомиллаштириш усуллари таклиф қилинган [6].

Г.Морозова солиқ маданияти таърифига тўхталар экан, унинг фикрига кўра солиқ маданияти – мамлакат маданиятининг умуммиллий қисми бўлиб, солиқ тизимида давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг бир-бирига тор доирада боғлиқлигидир. Солиқ саводхонлиги ва маданиятининг асосий элементи бу тизимли таълим олиш, ривожланиш ва назорат қилишдан ташкил этадиган солиқ тўловчиларнинг ахлоқий ва молиявий қобилияти ҳамда имкониятлари солиқ интизоми ҳисобланади [7].

А.Кузнецовнинг фикрича, солиқ тўловчи давлатнинг ҳамкори, буни солиқ органлари ходимлари томонидан тушуниб етмасдан, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг солиқ саводхонлиги ва маданиятини ошириб бўлмайди [8].

Д.Бондарев Солиқ маданиятининг пайдо бўлиши синов ва хатолар усули йўли орқали бозор иқтисодиёти билан параллел амалга оширилган. Солиқларни тўлаш бўйича асосий тарғибот ишлари маърифатли эмас, балки солиқлар тўланмаган тақдирда жиноий жавобгарлик сиқуви билан таҳдид характерга эга дея таъкидлайди [9].

О.Калинкиннинг фикрига кўра, солиқ маданияти даражасини оширишга йўналтирилган солиққа оид қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш керак, бироқ бу ягона ҳам ва мураккаб ҳам эмас [10]. Албатта, биринчи навбатда солиққа оид қонун ҳужжатларини, хусусан солиқ маъмурчилигига оид қонун ҳужжатларини ҳамда локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш зарур.

О.Калачева томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликка қарши курашиш орқали аҳолининг солиқ маданиятини ошириш юзасидан тадқиқот олиб бориб, солиқ маданиятини оширишга тўсиқ бўлаётган омиллар ва асосий муаммоларни тадқиқ этган [11].

Ш.Тўраев эса «хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини давлат бюджетига тўланган барча солиқлар ва ажратмалар миқдорининг хўжалик субъектининг қўшилган қиймати миқдорига нисбати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир» деб ёзади [12]. Бу таърифда тўланган ёки ҳисобланган солиқлар, қайси қўшилган қийматга, қайси давр учун каби масалалар очиб кўрсатилмаган. Таърифнинг мазмунидан ҳисобланган аммо, тўланмаган солиқ қарздорлиги солиқ юкини ҳосил қилмайди деган хулосага келиш мумкин.

Ш.Тошматовнинг фикрига кўра, солиқ тўловчиларни тўлов интизомига риоя қилинишини таъминлаш чоралари амалга оширилиши зарур. Йирик солиқ қарзига эга корхоналарнинг қарздорлигини ундиришда мол-мулкни хатловлари бўйича мутасадди идоралар қарздорлик ундирув ижросини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрилиши зарур [13].

И.Ниязметовнинг фикрича, мунтазам равишда солиқ қарздорлиги ва унинг юзага келишидаги объектив сабабларни ўрганиб бориш ҳам солиқ юки даражасини аниқлашга ёрдам беради [14].

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тушиши давлат миқёсида амалга оширилаётган барча чора тадбирларнинг, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг харажат қисмини ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади. Ўз навбатида, ушбу маблағларнинг муддатида ва тўлиқ ҳажмда тегишли бюджет ва мақсадли жамғармаларга келиб тушмаслиги, давлатнинг маълум давр учун белгиланган харажатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиши муқаррар [15].

Солиқ қарздорлигининг ўсиш ёки камайиш кўрсаткичлари орқали ҳудудларнинг ялпи даромадини, солиқ ва молиявий потенциалини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади [16]. Я.Ташмухамедованинг фикрига кўра, республика давлат солиқ органлари фаолиятини, уларнинг солиқ тўловчилар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, солиқ қарзларини ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш, солиқ назоратининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради [17].

Тадқиқот методологияси

Мақолада сифат аналитик усуллар, экспертлик баҳолаш усули, илмий мушоҳада, абстракт-мантқиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларида фойдаланилди. Мазкур тадқиқот усулларида асосан адабиётлар таҳлилидаги мутахассисларнинг фикр ва мушоҳадалари, шунингдек, таҳлил ва натижалардаги илғор хориж тажрибаси ҳамда амалиётнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни юзага келишини олдини олиш ва ундиришдаги қиёсий таҳлилларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ амалиётида бюджет даромадларини умумий суммасида солиқларнинг улуши 45-55 фоизни ташкил этади, бу юқори кўрсаткич эканлигидан далolat беради [14]. Шу каби солиқ маданияти ва солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ҳам юқори, бу давлат томонидан сифатли ижтимоий, тиббий ва бошқа хизматларни тақдим этилиши билан изоҳланади.

Швецияда ижтимоий йўналтирилганлик даражаси юқорилиги ҳисобига солиқларнинг ихтиёрий тўлаш даражаси таъминланган. Шунинг учун Швецияда солиқ юки юқори бўлишига қарамасдан, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш бўйича жаҳонда биринчилардан ҳисобланади [15].

Канадада солиқ қарзини вужудга келишини олдини олиш мақсадида давлат биринчи навбатда интизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан уларнинг солиқ қарзларини ундириш борасидаги аниқ ва ҳар бир ўзига хос жиҳатини ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга эътибор беради. Японияда эса солиқ тўловчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, ахборот ва хабардор қилишга йўналтирилган бутун бир давлат дастури мавжуд бўлиб, солиқларни ихтиёрий тўлаш маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда [16].

Индонезияда солиқ тўламайдиганлар учун “қамчи - ширинлик” усулини қўллаш билан амалга оширилади – интизомли солиқ тўловчилар ҳар қандай рағбатлантирилади ва имтиёзлар тақдим этилади. Ҳуқуқий рағбатлантириш – солиқ тўловчининг ихтиёрий хизмат кўрсатган ҳулқининг юридик маъқулланган шакли ва чораси, натижада субъект мукофотланади [17].

АҚШда солиқ органлари томонидан солиқ қарзини мажбурий ундиришда қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий ва кескин чоралар амалга оширилганлиги сабабли солиқ тўловчиларда солиқларни ихтиёрий тўлаш маданияти анча юқори шаклланган. Масалан, солиқни қасддан тўламай келаётган фуқарога иш бериувчи ҳисобланган ташкилот раҳбаридан ундириш қонидаси АҚШ қонунчилиги билан мустаҳкамланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади [18].

Хитойда ҳам солиқ тўловчиларда солиқларни ихтиёрий тўлаш маданиятини оширишда мамлакатнинг солиққа оид қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар томонидан солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган тақдирда қаттиқ чоралар назарда тутилган. Хусусан, Хитой қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органлари солиқлар ва йиғимлар олиш учун мулкка тақиқ солиш, муҳрлаш, мусодара қилиш ва ким ошди савдосида сотиш, солиқ тўловчига нисбатан эса 10000 юандан 50000 юангача миқдорида жаримага тортилиши белгиланган [19].

Ўз навбатида Австралия фискал органлари «Assessing business viability» (Бизнеснинг яшаш қобилиятини баҳолаш) ўтказиш ҳуқуқига эга. Бундай баҳолаш

солиқ тўловчи томонидан ўз қарзини тўлаш ва жорий мажбуриятларини бажариш қобилиятини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бундай баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади: ялпи фойда, пул оқими, активлар ва пассивлар ўртасидаги муносабат (шу жумладан капитал айланма), ликвидлилик коэффициенти, қўшимча молиялаштириш манбааларининг мавжудлиги [20].

Федерал солиқларни тўлашнинг энг яхши усулларида АҚШ солиқ бошқармаси томонидан таклиф қилинган электрон тўловларнинг хар хил вариантларидир. Электрон тўлов бу солиқларни тўлашнинг қулай ва хавфсиз усулидир. Бундай тўловларни онлайн режимида телефон ёки уяли мобил телефон орқали амалга оширилади [21].

Жаҳон амалиёти назарияси солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш адолатли ёндашув бобида турли нуқтаи назарга эга. Ана шундай қарашларнинг бирига кўра қарздор корхоналарни “нафас ростлаши” учун маълум имкониятлар яратилиши корхонанинг қайтадан “оёққа туришини” таъминлашга ёрдам беради. Бундай тажриба кўпроқ солиқ тўловчининг манфаатлари учун ишлайдиган ривожланган мамлакатларга тегишлидир. Масалан, Англияда қарздор корхонанинг қарзини ундириб олиш учун судга мурожаат қилинганда, қарзи устига янги қарзлар қўйилмаслиги учун улар давлат божи тўловидан озод этилган [22].

Шуниси диққатга сазоворки, Англияда солиқ ундириш учун энг асосий мезон солиқ тўлаш ёки ундириш харажати давлат учун ҳам солиқ тўловчи учун ҳам энг минимал даражада бўлиши керак. Шунингдек, солиқ органлари солиқ қарзларини ундиришда ваколатлари кенг бўлиб, қайд қилиб ўтилган тўлов муддатлари агар солиқ тўловчи томонидан етарли далиллар тақдим этилган бўлса, солиқ органи томонидан узайтирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун имкон берилиши мумкин.

Ўзбекистон ва Англияда солиқ қарзларини ундиришни таққослаб чиқсак, бир-бирига қарама-қарши томонлар ҳам мавжуд. Мисол учун, Ўзбекистонда энг кўп ишлатиладиган чора бу банкдаги ҳисоб рақамига инкассо топшириқномасини қўйиш билан ундириш. Бунинг учун Англияда суднинг қарори бўлиши керак. Англияда энг кўп қўриладиган чора бу мол-мулкни хатлаш бўлиб, солиқ йиғувчилар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда эса бунинг учун Иқтисодий суднинг қарори чиқарилган бўлиши керак ва бу чора суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

Англияда инкассо топшириқномаси орқали ундиришнинг салбий томонлари баҳоланади, яъни солиқ қарзи аввало банкдаги пул маблағларидан ундириш солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволини ночор қилиб, кейинчалик тўлов қобилиятини пасайишига олиб келади. Натижада, корхона ўзининг оператив бошқарувини молиялаштира олмайди, олиш эҳтимоли бўлган фойда амалга ошмай қолиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир тажрибада қарздор ташкилотнинг кейинги тақдири аҳамиятга эга эмас. Яъни қарздор ўз вақтида солиқ қарзини қопланишидан қатъи назар тегишли жазосини олади. Ҳатто қарздор тамғаси босилган шахс кейинги ҳаёти давомида айрим ҳуқуқлардан чегараланади. Масалан, Германияда кўчада юрган машинанинг орқа давлат рақами бўлмаса, билиш мумкинки, бу транспорт эгасининг солиқдан қарзи бор. Ушбу транспорт воситаси эса қарзи эвазига хатловга олинган ва уни сотиш ҳуқуқи чегараланган. Ёки маълум корхона раҳбари солиқдан катта миқдорда қарз бўлиб, банкрот корхоналарнинг “қора рўйхати”га киритилган бўлса, келгусида бундай

корхона билан ишлашни ҳеч ким хоҳламайди. Хатто, шу раҳбар кексалигида қариялар уйи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлади.

Ўзбекистон билан Германия давлатлари солиқ тизимини солиштирадиган бўлсак, ушбу давлатлар сингари биз ҳам солиқ қарзини улар сингари ундирадиган бўлсак, солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаган, корхоналарнинг эса келгусида молиявий фаолиятини чеклаб уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатган бўлар эдик.

Франция фуқаролари эса солиқ қарзи ҳисобига мол-мулки хатловга тушишидан жуда қўрқишади. Чунки, унинг хатловга тушган мол-мулки ким ошди савдосида ҳақиқий нархидан 50 фоизгача арзонлаштирилган ҳолда тезда сотиб юборилиши мумкин [22]. Фикримизча, солиқ қарзларини ундиришда Франция давлати сингари ундирув усулидан фойдалансак бўлади.

Латвия давлати тажрибасида кредитор ўз талабини қуйидаги суд жараёни орқали сотиши мумкин [23]:

- кўчмас мулкни ихтиёрий равишда аукцион орқали суд тартибида сотиш;
- мажбуриятларни баҳс (мунозара)сиз мажбурий ижро этиш;
- огоҳлантириш тариқасида мажбуриятларни мажбурий ижро этиш;
- даъво киритиш тартибида;
- ҳакамлик судларига мурожаат қилиш тартибида;
- векселлар орқали тўлаш тартибида;
- қарздорни тўловга қобилиятсиз деб тан олиш тартибида.

Латвия давлатида дебитор қарздорликни ундириш жараёни 2 та босқичдан иборат бўлиб, судгача ва суд жараёнида ундириш тартиби белгиланган. Қоидага кўра, судгача бўлган жараёнда кутилган натижага эришилмаганда ёки қарздорлик миқдори юқори бўлганда кредитор судга мурожаат қилади.

1-жадвал

Латвияда қарздорликни ундириш босқичи [23]

Т/р	Суд тартибида ундириш элементлари	Қисқача мазмуни
1	Кредитор талабининг ҳуқуқий асосга эга эканлигини баҳолаш	Талабноманинг ҳуқуқий манбаси ҳисобланувчи ҳужжатларнинг шакли ва мазмунини таҳлил қилиш
2	Ундиришнинг барқарорлигини баҳолаш	Тўловга қобилиятлигини текшириш: қарздорнинг мол-мулки мавжудлиги, бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлари, гаровга қўйилган мулки мавжудлиги.
3	Судга мурожаат қилиш	Даъвони таъминлаш. Даъво ариза киритиш. Бошқа кўринишдаги Суд жараёнлари.
4	Ишни кўриб чиқиш	Суд жараёнида кредиторларнинг фаол иштироки (тарафларнинг ҳозир бўлиш (иштирок этиш) принципи
5	Суд қарори ва уни мажбурий ижроси	Суд ижрочисига мурожаат қилиш

Энг аввало солиқ тўловчиларда солиқ маданиятини шакллантириш лозим. Солиқ маданияти – мамлакат маданиятининг умуммиллий қисми бўлиб, солиқ тизимида давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг бир-бирига тор доирада

боғлиқлигидир. Солиқ саводхонлиги ва маданиятининг асосий элементи бу тизимли таълим олиш, ривожланиш ва назорат қилишдан ташкил этадиган солиқ тўловчиларнинг ахлоқий ва молиявий қобилияти ҳамда имкониятлари солиқ интизоми ҳисобланади.



1-расм. Солиқлардан бўйин товлашнинг асосий сабаблари [24]

Солиқ маданияти – бу нафақат солиққа оид қонун ҳужжатларини билиш, балки фуқаролар томонидан уларнинг солиқлари эвазига давлат томонидан қулай яшаш шароитини таъминлаш учун қанча солиқларни сарф қилинганлигини ҳам тушунишлари керак.

Бугунги кунда миллий солиқ маъмурчилигимизда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда замонавий илфोर хориж тажрибаси асосида уларни бартараф этиш ва такомиллаштириб бориш зарурати муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, солиқ тўловчининг бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланган ортиқча тўлов суммасини бюджетдан давлат мақсадли жамғармасига ёки аксинча давлат мақсадли жамғармасидан бюджетга ўтказиш масаласи ҳамда бюджетга тўланган ортиқча тўловни давлат мақсадли жамғармасидан ёки аксинча давлат мақсадли жамғармасига тўланган ортиқча тўлов суммасини бюджетдан қайтариш масаласи муаммолигича қолмоқда.

2-жадвал

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича умумий қарздорликларнинг 2014-2018 йиллардаги ўзгариши таҳлили [25]

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018
Солиқ қарзини ўтган йилга нисбатан ўзгариш динамикаси (%да –камайиши, +ортиши)	+9,1	+10,6	+20,3	-36,1	+16,5
Умумий солиқ қарзини ЯИМга нисбати (%да)	4,4	4,1	3,9	3,7	1,5
Умумий солиқ қарзини солиқ тушумларга нисбати (%да)	17,1	16,5	15,8	15,8	9,4

2-жадвалга кўра, республика бўйича умумий солиқ қарзининг ялпи ички маҳсулотга ҳамда солиқ тушумларига нисбатан йилдан-йилга камайиб борганини кузатиш мумкин. Бироқ, солиқ қарзини ўтган йилга нисбатан ўзгариш динамикасини кўриб чиқар эканмиз, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 36,1 фоизга камайган бўлсада,

2013 йилга нисбатан 2014 йилда 9,1 фоизга, 2014 йилга нисбатан 2015 йилда 10,6 фоизга, 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 20,3 фоизга ва 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 16,5 фоизга ортганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, мавжуд ягона ғазна ҳисобварағи орқали бюджетлар ўртасидаги юқорида айтилган муаммоли масала ҳал қилинган тақдирда, яъни солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган суммаларни бюджетлар ўртасида ўтказилиши ёки бирига тўланган ортиқча тўловни иккинчисидан қайтариш масалаларининг ечилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, 2017 йил 1 январь ҳолатига солиқ органларида 461 207 та юридик шахслар, 152 248 та якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, 4 779 770 та мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар, 4 216 000 та ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар ҳисобда турадилар [25].

Демак, ўртача 9,0 миллионга яқин солиқ тўловчиларга, уларнинг солиқ мажбуриятларини бажарилиши юзасидан Солиқ кодексининг 48, 59, 60, 61, 277, 293-моддаларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан тегишли хабарнома ва талабномаларни расмийлаштирган ҳолда солиқ тўловчиларга шахсан ўзлари ёки почта орқали етказилиши самарадорлиги лозим даражада эмас ҳамда солиқ маъмурчилигидаги ортиқча харажатларга олиб келмоқда десак муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари, солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан судларга даъво аризалар билан мурожаат қилишда идоралараро электрон ҳамкорлик ишлари ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Хусусан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни мажбурий ундирувга қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 65-моддасига мувофиқ суд тартибида ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш юзасидан Иқтисодий судларга тақдим этиладиган даъво аризаларни тўлиқ электрон шаклда давлат солиқ органларидаги маълумотлар базасидан тўғридан-тўғри юбориш имконияти эга эмас.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги хорижнинг илғор тажрибаси ва амалиётининг қиёсий таҳлилларини инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифларни жорий қилиниши ва амалда татбиқ этилиши тавсия қилинади:

- биринчи навбатда солиқ маданияти даражасини оширишга йўналтирилган солиққа оид қонун ҳужжатларининг нормаларини такомиллаштириш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишда ҳамда қайтариб беришда давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия идораларига хулосаларни тўлиқ электрон шаклда давлат солиқ органларидаги маълумотлар базасидан тўғридан-тўғри юборишни жорий қилиш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишда, солиқ тўловчиларнинг бюджетдан юзага келадиган ортиқча тўловларини давлат мақсадли жамғармалардан хосил бўлган қарздорликларига ва аксинча давлат мақсадли жамғармалардан юзага келган ортиқча тўловларини бюджетдан хосил бўлган қарздорликларига ўтказиш имкониятини йўлга қўйиш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини солиқ тўловчиларнинг ҳисоб рақамларига қайтаришда бюджетга тўланган ортиқча тўловни давлат мақсадли жамғармасидан ёки аксинча давлат мақсадли

жамғармасига тўланган ортиқча тўлов суммасини бюджетдан қайтариш имкониятини йўлга қўйиш;

- солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни юзага келишини олдини олишни таъминлаш мақсадида солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари ҳақида уяли алоқа операторлари хизматларидан фойдаланган ҳолда уларнинг абонент рақамлари орқали хабардор қилиш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни мажбурий ундирувга қаратишни самарадорлигини ошириш мақсадида ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш юзасидан Иқтисодий судларга тақдим этиладиган даъво аризаларни тўлиқ электрон шаклда давлат солиқ органларидаги маълумотлар базасидан тўғридан-тўғри юборишни жорий қилиш;

- солиқ қарзларини ундириш жараёни соддалаштирилиб, корхонани ортиқча харажатлардан ва янги қарздорликлар пайдо бўлмаслиги учун Англиядаги каби қарздорни судда иш кўрилганида давлат божидан озод этиш;

- агар солиқ қарзи солиқ тўловчи томонидан тақдим қилинган ҳисоботлар асосида вужудга келган бўлса, солиқ қарзларини ундириш учун Иқтисодий судга даъво ариза киритилиши шарт эмас. Чунки, солиқ қарзи суммасининг келиб чиқиши низоли эмас. Шунинг учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан қабул қилинган қарор солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулкидан ундириш, унинг товар моддий бойликларини хатлаш учун асос бўлиш;

- Иқтисодий судларга даъво билан чиқилганда, суд одатда фақатгина мол-мулкига қаратиш тўғрисида қарор чиқариш билан чекланади (фақат шу учун давлат божи ҳисобланади), Иқтисодий судга берилганда суд қарори нафақат солиқ тўловчининг мол-мулкидан ундириш, балки унинг кейинги молия-хўжалик фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш ва корхонани бу аҳволга олиб келган айбдор шахсларга нисбатан қатъийроқ, таъсирчан чоралар қўлланилиши;

Ҳозирги замонавий солиқ маъмурчилиги нафақат солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш механизмларини такомиллаштириш зарур, балки, мазкур солиқ қарздорлигини замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари орқали юзага келишини олдини олиш, солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрий тўлаш бўйича ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган тарғибот ва тушунтириш ишларига эътибор кучайтирилиши мақсадга мувофиқ.

References

1. O‘zbekiston Respublikasining 07.02.2017 yildagi O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida PF-4947-sonli farmoni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 18 iyuldagi “Soliq ma‘muriyatchiligini tubdan takomillashtirish, soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarning yig‘iluvchanligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5116-sonli farmoni.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 26 iyundagi “Davlat soliq xizmati organlari faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-3802-sonli qarori.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 29 iyundagi “O‘zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to‘g‘risida”gi PF-5468-sonli farmoni.

5. Mayburd E.M., Vvedenie v istoriyu ekonomicheskoy miysli. Moskva: «DELO», «VITA-PRESS». 1996. – str. 544 b.;

6. Avdeeva V.A. Povyshenie nalogovoy gramotnosti i kulturniy uchastnikov nalogoviyx pravootnosheniy. *Ekonomika Interaktivnaya nauka* | 4 (14) 2017. str.136-140.

7. Morozova G.V. Povyshenie nalogovoy kulturniy naseleniya kak sposob borbiy s nalogoviyimi pravonarusheniyami // *Rossiyskoe predprinimatelstvo*. – №3–2 (131). –2009. S. 118–123.

8. Kuznetsov A.L. Nalogovaya politika i nalogoviye organiy: realnoe sostoyanie, problemiy, perspektiviy (regionalnyy aspekt) 2016. [Elektronniy resurs]. – Rejim dostupa: <http://vasilievaa.narod.ru/zhurnal/>

9. Bondarev D.M. Rol nalogovoy kulturniy obshchestva v formirovaniy ekonomicheskoy politiki. Belorusskiy gosudarstvenniy ekonomicheskiy universitet. 2012. Belarus State Economic University. Library. <http://www.bseu.by>

10. Kalinkin O.G. Ijtimoiy iqtisodiy tezlashtirish manfaatlarida RF soliq ma‘murchiligini takomillashtirish. Avtoreferat dissertatsii k.e.n.- M.: RAGS pri Prezidente RF 2010.

11. Kalacheva O.S. Povyshenie nalogovoy kulturniy naseleniya kak sposob borbiy s nalogoviyimi pravonarusheniyami v Rossii. *Biznes. Obrazovanie. Pravo. Vestnik volgogradskogo instituta biznesa*, №4 (37). 2016. Podpisniye indeksiy – 38683, R8683.

12. To‘raev SH. «Xo‘jalik sub‘ektlarining soliq yukini optimallashtirish masalalari». i.f.n., ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. 2007.

13. Toshmatov SH.A. O‘zbekistonning jahon moliya bozoriga integratsiyalashuvi: innovatsiyalar transferi, xalqaro standartlar, reytinglar va indekslar” mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiya tezislari to‘plami. T.: Moliya, 2018. 348 b.

14. Niyazmetov I.M. O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi magistrantlari ilmiy-amaliy konferensiyasi tezislari to‘plami. – T.: Moliya, 2017. – 241 b.

15. Giyasov S.A. Soliqlar va majburiy to‘lovlar bo‘yicha qarzidorliklarni kamaytirish muammolari. “Milliy iqtisodiyotning etakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish orqali raqobatbardoshligini oshirish yo‘llari”ga bag‘ishlangan ilmiy seminar materiallari to‘plami/ T.: Iqtisod-Moliya, 2018. (252 b.) 165-167 b.

16. Meyliev O.R. «Milliy iqtisodiyot raqobatdoshligini oshirishda davlat moliyaviy resurslarini oqilona boshqarishning dolzarb masalalari» mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent. 2016.– 482 bet.

17. Tashmuxamedova YA. «O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirishda iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish masalalari» mavzuidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. –Toshkent. 2018. -419 bet.

Bogoslavets T.N., Prichiniy, prepyatstvuyushie formirovaniyu nalogovoy kulturniy Rossii // *Vestnik Omskogo universiteta*. 2011. Ser.: *Ekonomika*.

15. Migashkina E.S. Nalogoviye sistemiy zarubejniyx stran. M.: MGUU Pravitelstva Moskvii. 2005. S. 192 – 193.

16. Matyushin A. V. Zakonodatelstvo zarubejnyx stran o sovershenstvovanii protsedurit vziyskaniya nalogovoy zadoljennosti. Nalogoviye i tamojenniye problemiy. Biznes v zakone. M.: №1, 2009. Str. 116-121.
17. Малько A.V. Teoriya gosudarstva i prava. M.: YUrist. 1997. S. 17.
18. Abduraxmanov O.K. Nalogoviye sistemiy zarubejnyx stran: promiyshlenno razvitiye straniy, razvivayushiesya straniy, nalogoviye «oazisiy». M.: Paleotip. 2005. S. 245.
19. Morozova I.B., Treushnikov A.M. Ispolnitelnoe proizvodstvo: uchebno-prakticheskoe posobie. M.: Gorodets. 2007. S. 109.
20. Assessing business viability [Elektronniy resurs]. – Rejim dostupa: <https://www.ato.gov.au/General/Managing-your-tax-debt/Help-with-paying-your-tax-debt/Assessing-business-viability/>
21. Ugriyn V.V.va Filo M.M. Mirovoy opiyt effektivnogo obespecheniya minimizatsii nalogovogo dolga i vozmojnosti ego primeneniya v Ukraine. 2015.
22. Tashpulatova D.SH. Rivojlangan davlatlar tajribasi asosida O‘zbekistonda soliq qarzlarni undirishni takomillashtirish istiqbollari. “Milliy iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilishni faollashtirish” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi ma’ruza tezislari to‘plami.-T.: TMI, 2013. 416 b.
23. www.court.lv Latviya iqtisodiy qonuni. 2016.
24. Kasimov D.O. Institutsionalniye osnoviy formirovaniya i razvitiya nalogovoy kul’turiy: Dis. na sois. kand. ekon. nauk: 08.00.10: utv. 13.06.12. – M., - 168 s.
25. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat statistika qo‘mitasining ma’lumotlari.